

ШАРТНОМА № 13/22.
(Хизмат кўрсатиш тўғрисида)

Тошкент ш.

«12» 12 2022 йил

Бундан кейин “Буюртмачи” деб юритиладиган А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти номидан Устав асосида иш юритувчи институт ректори А.Б. Раджиев бир томондан ва бундан кейин “Ижрочи” деб юритиладиган “YURIST VA KADR” нодавлат таълим муассасаси номидан устав асосида иш юритувчи муассаса директори Р.Р. Исамитдинова иккинчи томондан, бундан кейин “Томонлар” деб юритилади мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида тузадилар (06.12.2022 йилдаги 196853-сонли тегишли баённома):

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Шартноманинг предмети Халқ таълими тизимидаги кадрлар бўйича мутахассисларнинг мақсадли ўқув курслари учун электрон (рақамли, html, web контент) ўқув дастурлар, контент материаллари (маъруза, тақдимот, видеодарс, казус ва тестлар ишлаб чиқиш) ва тест топшириқлари ҳамда якуний онлайн тестлар тайёрлаш бўйича хизматлардир.

1.2. Халқ таълими тизимидаги кадрлар бўйича мутахассисларнинг мақсадли ўқув курслари учун электрон (рақамли, html, web контент) ўқув дастурлар, контент материаллари (маъруза, тақдимот, видеодарс, казус ва тестлар ишлаб чиқиш) ва тест топшириқлари ҳамда якуний онлайн тест синовлари ушбу шартноманинг 1-иловасидаги спецификацияга мувофиқ ишлаб чиқилади.

1.3. Ушбу шартнома шартларига кўра, “Ижрочи” Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ хизматлар кўрсатиш, “Буюртмачи” эса хизматларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини олади.

1.4. Хизматлар сони, уларнинг нархи, шунингдек, хизматларни кўрсатиш шартлари ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган иловада кўрсатилган.

2. ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Тақдим этилган хизматларнинг қиймати 326 600 000 (уч юзи йигирма олти миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади (ҚҚСсиз).

2.2. Шартнома имзолангандан кейин “Буюртмачи” 5 (беш) банк иш куни ичида “Ижрочи” хизматлари учун шартнома суммасининг 30 фоизи миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Қолган қисми “Ижрочи” томонидан “Бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) тўғрисидаги далолатнома”га мувофиқ ва “Томонлар” имзолаганидан сўнг 10 (ўн) банк иш куни ичида тўланади.

2.4. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг, “Томонлар” бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) тўғрисида далолатнома ва ҳисоб-фактурани тузадилар.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Ижрочидан амалдаги давлат стандартларини таъминлашни ва шартномани бажариш учун зарур бўлган бошқа меъёрий ҳужжатларни талаб қилиш;

Ижрочидан ушбу шартномага мувофиқ тақдим этилган аризага кўра тегишли сифатдаги Хизматларни тақдим этишни талаб қилиш;

сифатсиз хизматлар кўрсатилганда, қуйидагиларни талаб қилиш:

–шунга ўхшаш бошқа сифатли хизматга алмаштириш;

– хизматдаги камчиликларни текинга бартараф этиш, Буюртмачи ёки учинчи шахс томонидан камчиликларни тузатиш учун қилинган харажатларни қоплаш;

– нархларни мутаносиб равишда пасайтириш;

Ижрочидан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

ушбу шартномага мувофиқ, унинг илтимосига биноан кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;

Ижрочини хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ шарт-шароитлар (жой ва бошқа моддий техник воситалар) билан таъминлаш;

ушбу шартнома бўйича топширилган хизматлардан фақатгина нотижорий мақсадларда фойдаланиш;

Хизматлар учун тўловни ушбу шартноманинг спецификациясида кўрсатилган нарх бўйича қабул қилиш далолатномаси асосида тўловларни амалга ошириш.

3.3. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

Буюртмачидан тақдим этилган аризага мувофиқ, кўрсатилган Хизматларни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.4. Ижрочининг мажбуриятлари:

ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг илтимосига биноан, хизматларни вақтида амалга ошириш, миқдори ва сифати билан таъминлаш;

Буюртмачининг илтимосига биноан, агар хизматларни кўрсатиш жараёнида Ижрочи шартнома шартларидан четга чиқишга йўл қўйган бўлса, аниқланган барча камчиликларни дарҳол бепул тузатиш.

3.5. Томонларнинг биргаликдаги мажбуриятлари:

ушбу шартнома шартларини бажаришга таъсир қилиши мумкин бўлган барча ўзгаришлар тўғрисида дарҳол бир-бирини хабардор қилиш;

тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлиш.

4. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома ушбу шартнома шартлари талаблари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ, тўғри бажарилиши керак ва томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришни бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш санаси Хизматларни қабул қилиш ва топшириш далолатномаси тузилган сана ҳисобланади.

4.4. Буюртмачи Хизмат шартларини бузган ҳолда тақдим этилган қабулни рад этишга ҳақли.

4.5. Хизматлар тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан Хизматлар сони, уларнинг сифати кўрсатилган далолатномага мувофиқ қабул қилинади.

4.6. Шартномада кўзда тутилган хизматларни кўрсатиш ушбу шартнома билан ёки ушбу шартномада белгиланган муддатда Буюртмачининг аризасида кўрсатилган шартлар ва ҳажмларга мувофиқ амалга оширилади. Ариза Хизматларнинг тегишли қисмларини курьерлик, почта орқали ёки бошқа тарзда тақдим этиш учун кутилган санадан камида беш кун олдин топширилиши керак. Ижрочининг масъул ходими аризани қабул қилганда, Буюртмачида қолган нусхасига санани кўрсатган ҳолда қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.7. Буюртмачи илгари берилган аризани бекор қилиш ёки Хизматларнинг тегишли қисмларини тақдим этиш санасини ўзгартириш ҳуқуқига эга, бу ҳақда у Ижрочини аризада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабардор қилади.

4.8. Носоз материаллар 3 кун ичида қайта тикланади ёки 100 фоизи қайтарилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Агар кўрсатилаётган хизматлар сифати, ассортимент, стандарт даражаси, техник шартлар, намуналар (стандартлар) талабларига ёки шартномада кўрсатилган бошқа шартларга жавоб бермаса, айбдор шахс ушбу хизмат қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Хизматларни кўрсатиш шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортганлик учун Ижрочичи Буюртмачига хизматлар нархининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Ижрочининг айби билан хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Ижрочи Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди, лекин пенянинг умумий миқдори исботланмаган Хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

5.4. Кўрсатилган хизматлар учун тўлов кечиктирилган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига кечиктирилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

5.5. Томонларнинг ушбу Шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари фуқаролик қонунчилигига мувофиқ қўлланилади.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

6.1. Ушбу шартномага кўра, “Томонлар” уларга ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўлган айрим ҳолатларда жавобгарликдан озод қилинадилар. Бундай ҳолатларга қуйидагилар киради:

- уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, сафарбарлик;
- расмий ҳужжатлар билан тасдиқланган эпидемиялар, табиий ва техноген офатлар;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бевосита таъсир этувчи ҳужжатлари ушбу шартнома бўйича “Томонларнинг” мажбуриятларини бажармаганлиги учун.

6.2. Форс-мажор ҳолатлари ва жавобгарликдан озод қилувчи бошқа ҳолатлар даврида “Томонлар”нинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятлари тўхтатилади ва бундай мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари қўлланилмайди.

6.3. Форс-мажор ҳолатлари мажбуриятини бошдан кечираётган томон улар юзага келган пайтдан эътиборан 5 кун ичида бошқа томонни хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда, томонлар ушбу шартноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш вақтида бажарилган ишларнинг ҳақиқий миқдори бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширадилар. Битимнинг амал қилиши кейинги қўшма ҳаракатлар аниқланмагунча тўхтатилади.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг иложи бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларини қўллаган ҳолда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг бўлинмалари, ходимлари ёки воситачилари нотўғри фойда олиш ёки бошқа номақбул мақсадларда шахснинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳар қандай пул ёки қимматбаҳо тўловларни тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар ёки тўлашга рухсат бермайдилар.

8.2. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг филиаллари, ходимлари ёки воситачилари ушбу Шартнома мақсадлари учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган пора бериш/олиш, тижорий порахўрлик, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювиш) қарши курашиш бўйича амалдаги қонунлар ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузувчи ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

8.3. Агар Томонлардан бири ушбу модданинг ҳар қандай қоидалари бузилганлиги ёки содир бўлиши мумкинлигидан шубҳаланса, тегишли Томон бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилади. Тегишли Томон ёзма равишда огоҳлантирилгандан сўнг, ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмагани ёки бўлмаслиги тасдиқланмагунча тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабар юборилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида юборилиши керак.

8.4. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг филиаллари, ходимлари ёки воситачилари томонидан ушбу модданинг ҳар қандай қоидаларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлганлигини ишончли тасдиқлайдиган ёки ишониш учун асос берадиган фактларга мурожаат қилиши ёки материалларни тақдим этиши шарт. Амалдаги қонун ҳужжатларида пора бериш ёки олиш, тижорий порахўрлик сифатида квалификация қилинган ҳаракатларда, шунингдек, амалдаги қонунчилик ва жиноятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузувчи ҳаракатларда ифодаланади.

8.5. Агар Томонлардан бири ушбу шартномада тақиқланган ҳаракатларни амалга оширишдан бош тортиш мажбуриятларини бузган бўлса ва/ёки бошқа Томон қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда бузилиш содир бўлмагани ёки бўлмаслиги тўғрисида тасдиқлов олмаган бўлса, бошқа Томон шартномани тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида ёзма хабар юбориш орқали бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли. Ушбу Шартнома ташаббуси билан ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ, бекор қилинган Томон бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

9. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

9.1. Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва иккала томон тарафидан имзоланган бўлса юридик кучга эга бўлади ва Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ томонларнинг келишуви ёки бир томонлама тартибда Шартнома шартларининг Ижрочи томонидан бузилиши натижасида иш сифати пасайган ҳолатда бўлиши мумкин.

9.3. Шартнома Буюртмачи томонидан муддатидан олдин бекор қилинса, Буюртмачи томонидан Шартнома бўйича қабул қилинган ишларнинг бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажмига мос қиймати тўланади.

9.4. Ушбу шартноманинг бажарилиши Буюртмачига боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра ва у томонидан шартномада белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги туфайли амалга ошмаса, Ижрочи шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли бўлади. Бунда Ижрочи Буюртмачига шартнома бир томонлама бекор қилинганлиги ҳақида ёзма хабарнома юборади. Шартноманинг бекор қилинган санаси деб, Буюртмачининг шартнома бекор қилинганлиги тўғрисидаги хабар қилинган санаси ҳисобланади..

10. ШАРТНОМА МУДДАТИ

10.1. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади. Томонларнинг келишувига биноан шартнома муддати 3 ойга узайтирилиши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар “Томонлар” нинг ёзма келишуви асосида, қўшимча шартнома тузиш орқали амалга оширилади.

10.3. Ушбу шартнома ҳар бир томон учун биттадан 2 нусхада тузилган.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ИЖРОЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

«YURIST VA KADR»

Нодавлат таълим муассасаси

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор

тумани, Чўпонота кўчаси, 50-уй.

Ҳ/р: 20208000105388449001

ИНН 306669959

АТ Халқ банки Бош Амалиётлар

бошқармаси

МФО: 01125 ОКЭД 207215726



«Ижрочи» томонидан

«Буюртмачи» томонидан

Р.Исаитдинова

А.Раджиев

» 2022 й.

2022 й.



М.Ў.

Х.Волгарев

2022 йил « 12 » 12 даги
13/22 - сонли шартномага
1- илова

Спецификация

№	Тайёрланадиган хизматлар номи	Микдори	Нархи	Жами
1	Халқ таълими тизимидаги кадрлар бўйича мутахассисларнинг мақсадли ўқув курси учун 36 соатлик дастур	1	3 800 000,00	3 800 000,00
2	Видеоконтент (маъруза матни, тақдимот, казус ва тестларни ишлаб чиқиш	36	6 200 000,00	223 200 000,00
3	Халқ таълими тизимидаги кадрлар бўйича мутахассисларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан тайёрланган видеоконтентларни тасвирга олиш ва монтаж ишларини олиб бориш	36	500 000,00	18 000 000,00
4	Меҳнат ҳуқуқи малака талаблари тавсифлари бўйича диагностик тест саволлари	500	60 000,00	30 000 000,00
5	Яқуний синов тестларини тузиш	360	60 000,00	21 600 000,00
6	Кадрлар бўйича мутахассислар билимини баҳолаш бўйича мезонлар ишлаб чиқиш	1	30 000 000,00	30 000 000,00
	Умумий сумма:	X	X	326 600 000,00

Ижрочи:
«YURIST VA KADR» HTM

Буюртмачи :
А.Авлоний номидаги МТИ



Р.Исамитдинова



А.Раджиев



ТАСДИҚЛАЙМАН

Танлов комиссияси раиси

А. Бахрамов

12 » декабрь 2022 й.

А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти “HR” лойихаси доирасида Халқ таълими тизимидаги кадрлар бўйича мутахассисларнинг мақсадли ўқув курслари учун электрон (рақамли, html, web контент) ўқув дастурлар, контент материаллари (маъруза, тақдимот, видеодарс, казус ва тестлар ишлаб чиқиш) ва тест топшириқлари ҳамда якуний онлайн тестлар тайёрлаш учун ўтказилган электрон танлов баённомасига 2 иш куни давомида шикоятлар келиб тушмаганлиги юзасидан

12-сон мажлис

БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳар

2022 йил

Раислик қилувчи:

А.Бахрамов

А.Авлоний номидаги ПКРЯМЎМТИ
Проректори – раис

Иштирок этдилар:

Б.Ғузоров

А.Авлоний номидаги ПКРЯМЎМТИ
Кадрлар бўлими бошлиғи;

А.Бобоқулов

А.Авлоний номидаги ПКРЯМЎМТИ
“АКТ ва техник таъминот” бўлими
бошлиғи – аъзо;

З.Шамсиева

А.Авлоний номидаги ПКРЯМЎМТИ
Илмий ва педагогик хизматлар маркази
директори – аъзо;

Х.Ботиров

А.Авлоний номидаги ПКРЯМЎМТИ
Юрисконсулт – аъзо;

КУН ТАРТИБИ

А.Авлоний номидаги ПКРЯМЎМТИ бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан институтнинг “HR” лойихаси доирасида Халқ таълими тизимидаги кадрлар бўйича мутахассисларнинг мақсадли ўқув курслари учун электрон (рақамли, html, web контент) ўқув дастурлар, контент материаллари

(маъруза, такдимот, видеодарс, казус ва тестлар ишлаб чиқиш) ва тест топшириқлари ҳамда якуний онлайн тестлар тайёрлаш учун ўтказилган электрон танлов баённомасига 2 иш куни давомида шикоятлар келиб тушмаганлиги тўғрисида.

А.Бахрамов, А.Бобокулов, З.Шамсиева, Х.Ботиров, Б.Ғузоров

Кун тартибидаги масала юзасидан:

Йиғилишни А.Авлоний номидаги ПКРЯМУМТИ проректори, танлов комиссияси раиси А.Бахрамов олиб борди, катнашчиларни кун тартиби билан таништирди, Халқ таълими тизимидаги кадрлар бўйича мутахассисларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан онлайн малака ошириш курслари контентини ҳамда аттестация синовлари мезонлари ва тест саволларини ишлаб чиқиш бўйича хизматлар курсатувчи ташкилотлардан келиб тушган тижорат таклифлари учун ўтказилган электрон танлов баённомасига 2 иш куни мобайнида шикоятлар келиб тушмаганлиги, улар орасидан нарх ва сифат жиҳатидан ҳамда эълонда берилган техник талабларига жавоб беришини инобатга олган ҳолда танланганлиги такидланди.

Эълон қилинган лот № 22110012196853 танлов бўйича қуйидаги корхона ва ташкилотлардан тижорат-таклифлари келиб тушган ҳамда уларнинг таклифлари танлов ҳужжатларининг *“Порядок и критерии предварительной квалификационной оценки-Таблица №2”* қисмида белгиланган тартибда кўриб чиқилди ва баҳоланди:

1. НОУ “YURIST VA KADR” томонидан берилган таклиф ўрганиб чиқилганда қуйидагилар аниқланди:

Критерий №1. Наличие опыта организации и проведения курсов повышения квалификации в сфере кадровой службы не менее одного года (лицензия или уведомление) – мавжуд шартномалар аниқлиги етарли эмаслиги.

Критерий №2. Не менее 5 учителей-педагогов должны иметь высшее юридическое образование и проработать в данной организации не менее 1 года (список необходимо приложить) - шартномадаги ходимлар фаолиятига бир йил тўлмаганлиги, сўралган мутахассислар сони етарли эмаслиги (битта номутахассис).

Критерий №4 Наличие программы обучения в области юридического направления и кадровой службы, а также получение лицензии Инспекции образования при Кабинете Министров (уведомлено) на эти образовательные программы - ўқув дастурида белгиланган ҳар бир мавзулар учун ўқув соати аниқ тақсимланмаган. Чунки айрим мавзуларга бошқасига караганда кўпроқ ўқув соати талаб этилиши мумкин. Шунга кўра ҳар бир мавзуга мослаштирилган ҳолда ўқув соати белгилаш зарур.

2. ООО “EDUCATIONAL LABOUR CENTER” томонидан берилган таклиф ўрганиб чиқилганда қуйидагилар аниқланди:

Критерий №1. Наличие опыта организации и проведения курсов повышения квалификации в сфере кадровой службы не менее одного года (лицензия или уведомление) - мавжуд шартномалар аниқлиги етарли эмаслиги.

Критерий №2. Не менее 5 учителей-педагогов должны иметь высшее юридическое образование и проработать в данной организации не менее 1 года (список необходимо приложить) - шартномадаги ходимлар фаолиятига бир йил тўлмаганлиги, сўралган мутахассислар сони етарли эмаслиги (битта номутахассис).

Критерий №4 Наличие программы обучения в области юридического направления и кадровой службы, а также получение лицензии Инспекции образования при Кабинете Министров (уведомлено) на эти образовательные программы - ўқув дастурини мазмунида курснинг вазифалари ва натижалари хақида тушунчалар берилмаган. Дастурдаги мавзулар номи курснинг мақсадини тўлиқ камраб олмаган, дастурда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар ва манбалар рўйхати шакллантирилмаган. Бундан ташқари, ўқув дастурида бир нечта грамматик ва стилистик ҳатоларга йўл қўйилган.

Келиб тушган таклифлар энг яхши таклифларни танлаш йўли билан электрон танлов тарзда баҳоланган бўлиб унга кўра **НОУ “ЮРИСТ ВА КАДР” № 196853 лот бўйича ғолиб деб топилган ва электрон баённомаси чиққан, мазкур баённомага икки иш куни мобайнида ҳеч қандай эътироз ва шикоятлар келиб тушмаганлиги маълум бўлди.**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, танлов комиссияси мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Мазкур лот бўйича ғолиб деб топилган **НОУ “ЮРИСТ ВА КАДР”** билан шартнома имзолансин;
2. Институт бош ҳисобчиси (Ж.Каримов):
Белгиланган тартибда шартномада кўрсатилган маблағни тўлаб бериш ишлари амалга оширилсин.



А.Бахрамов

А.Бобоқулов

З.Шамсиева

Х.Ботиров

Б.Ғузоров

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 196853 на приобретение Халқ таълими тизимидаги кадрлар бўйича мутахассисларининг мақсадли ўқув курслари учун электрон ўқув дастурлар, контент материаллари (маруза, тақдимот, видеодарс, казус ва тестлар) ишлаб чиқиш

Способ проведения электронный

Дата 06.12.2022

Время рассмотрения 06.12.2022 10:57

Закупочная комиссия ЦИППКРНО имени А.Авлони, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	BAXRAMOV ANVAR AXRAROVICH	Директорнинг ҲМФМБ ўринбосари	Комиссия аъзоси
Секретарь комиссии	ESHNAZAROV FAZLIDDIN XUSANOVICH	Бош мутахассис	А.Авлоний номидаги ИТИ
Член комиссии	BOTIROV HAMID XAKIMOVICH	Юрисконсулт	А.Авлоний номидаги ИТИ
Член комиссии	BOBOQULOV AKMALJON ZIYOT O'G'LI	АКТ ва техник таъминот бўлими бошлиғи	А.Авлоний номидаги ИТИ
Член комиссии	SHAMSIYEVA ZULFIZARXON SAIDAKBAROVNA	Педагогик марказ директори	А.Авлоний номидаги ИТИ
Член комиссии	G'UZOROV BAXODIRJON G'ULOM UG'LI	Кадрлар бўлими бошлиғи	А.Авлоний номидаги ИТИ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 06.12.2022 года № лота 196853.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по изготовлению видеофильма
Подробное описание	Тўлиқ маълумот бириктирилган файлда
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	397 841 020.00
Стартовая сумма	397 841 020.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Наличие опыта организации и проведения курсов повышения квалификации в сфере кадровой службы не менее одного года (лицензия или уведомление)

Тип: Текстовое значение

Описание: Наличие опыта организации и проведения курсов повышения квалификации в сфере кадровой службы не менее одного года (лицензия или уведомление)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
HOY YURIST VA KADR	10	biriktirilgan faylda	8	Экспертная		
OOO EDUCATIONAL LABOUR CENTER	10	10	8	Экспертная		

Критерий №2 Не менее 5 учителей-педагогов должны иметь высшее юридическое образование и проработать в данной организации не менее 1 года (список необходимо приложить).

Тип: Текстовое значение

Описание: Не менее 5 учителей-педагогов должны иметь высшее юридическое образование и проработать в данной организации не менее 1 года (список необходимо приложить).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
HOY YURIST VA KADR	20	biriktirilgan faylda	16	Экспертная		
OOO EDUCATIONAL LABOUR CENTER	20	белгиланган тартибда	16	Экспертная		

Критерий №3 Должна быть оказана услуга не менее чем 10 государственным организациям по обучению в области трудового права (их список необходимо приложить)

Тип: Текстовое значение

Описание: Должна быть оказана услуга не менее чем 10 государственным организациям по обучению в области трудового права (их список необходимо приложить)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
HOY YURIST VA KADR	20	biriktirilgan faylda	20	Экспертная		
OOO EDUCATIONAL LABOUR CENTER	20	белгиланган тартибда	20	Экспертная		

Критерий №4 Наличие программы обучения в области юридического направления и кадровой службы, а также получение лицензии Инспекции образования при Кабинете Министров (уведомлено) на эти образовательные программы

Тип: Текстовое значение

Описание: Наличие программы обучения в области юридического направления и кадровой службы, а также получение лицензии Инспекции образования при Кабинете Министров (уведомлено) на эти образовательные программы

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
HOY YURIST VA KADR	30	biriktirilgan faylda	28	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО EDUCATIONAL LABOUR CENTER	30	белгиланган тартибда	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО EDUCATIONAL LABOUR CENTER	397 841 020.00	317 400 000.00 UZS	317 400 000.00	00.00	317 400 000.00	02.12.2022 15:13:07	20
НОУ YURIST VA KADR	397 841 020.00	326 600 000.00 UZS	326 600 000.00	00.00	326 600 000.00	29.11.2022 17:08:33	19.43662

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО EDUCATIONAL LABOUR CENTER	69	20	89
НОУ YURIST VA KADR	72	19.43662	91.43662

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 196853 от 06.12.2022 года на приобретение Халқ таълими тизимидаги кадрлар бўйича мутахассисларнинг мақсадли ўқув курслари учун электрон ўқув дастурлар, контент материаллари (маруза, тақдимот, видеодарс, казус ва тестлар) ишлаб чиқиш определила победителем:

НОУ YURIST VA KADR
306669959

и резервный исполнитель: ООО EDUCATIONAL LABOUR CENTER (307890424)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	BAXRAMOV ANVAR AXRAROVICH	Согласен	
Член комиссии	BOTIROV HAMID XAKIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOBOQULOV AKMALJON ZIYOT O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	SHAMSIYEVA ZULFIZARXON SAIDAKBAROVNA	Согласен	
Член комиссии	G'UZOROV BAXODIRJON G'ULOM UG'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"YURIST VA KADR" Nodavlat ta'lim muassasasi

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"YURIST VA KADR" NTM

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

27.08.2019

755802

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306669959

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Nodavlat ta'lim muassasasi

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, BUNYODKOR SHOH KO'CHASI, 7A-
UY,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Yuridik shaxs to'g'risida ma'lumot (Ro'yxatdan o'tkazuvchi va vakolatli organlar ma'lumoti asosida shakllantirildi)

Umumiy ma'lumot

INN:	307890424
Ro'yxatdan o'tkazuvchi organ:	Davlat xizmatlari markazi
Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan sana:	09.11.2020
Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan raqami:	912322
Yuridik shaxsning nomi:	"EDUCATIONAL LABOUR CENTER" mas'uliyati cheklangan jamiyati
Tashkiliy-huquqiy shakli:	152 - Mas'uliyati cheklangan yoki qo'shimcha mas'uliyatli jamiyat
IFUT kodi (Amalga oshirilayotgan faoliyat tur(lar)i):	85590 - <u>Boshqa toifalarga kiritilmagan ta'limning boshqa turlari</u>
DBIBT kodi:	79994 - <u>Davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari tarkibiga kirmagan tadbirkorlik sub'yektlari</u>
Kichik tadbirkorlik sub'ektlariga mansubligi:	Ha
Faollik holati:	Faoliyat ko'rsatayotgan
Ustav fondi:	100 000 000,000 UZS

Ta'asischilar va ularning ustav fondidagi ulushi haqida ma'lumotlar

1. YUSUPIY POLVONNAZIR ULUG'BEK O'G'LI	100,00 %
--	----------

Kontakt ma'lumotlari

Elektron pochta manzili:	polvon199523@gmail.com
Aloqa telefoni:	919180777
MHOBT kodi:	1726290 - <u>Toshkent shahri, Yashnobod tumani</u>
Ko'cha, uy, xonadon:	Sulola ko'chasi, 2-uy, 18-xona

Boshqaruvchi haqida ma'lumot

Rahbarning F.I.SH.:	ATAYEV ARAFAT AZAMATOVICH
---------------------	---------------------------

13/12/2022 uchun amal axborot